| | | |
|---|---|---|
| 1. | **ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ** | |
| | Тўлиқ: | «KAPITAL SUG'URTA» Aksiyadorlik jamiyati |
| | Қисқартирилган: | «KAPITAL SUG'URTA» AJ |
| | Биржа тикерининг номи:* | KPLS |
| 2. | **АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ** | |
| | Жойлашган ери: | Ташкент ш., М.Ганди кўчаси, 44 |
| | Почта манзили: | 100000, Ташкент ш.,, М.Ганди кўчаси, 44 |
| | Электрон почта манзили:* | offise@kapitalsugurta.uz, info@kapitalsugurta.uz |
| | Расмий веб-сайти:* | www.kapitalsugurta.uz |
| 3. | **МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ** | |
| | Муҳим факт рақами: | 06 |
| | Муҳим факт номи: | Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар |
| | Умумий йиғилиш тури: | навбатдан ташқари |
| | Умумий йиғилишни ўтказиш санаси: | 2023 йил 17 апрель |
| | Умумий йиғилишнинг баённомаси тузилган сана: | 2023 йил 17 апрель |
| | Умумий йиғилишни ўтказишн жойи: | Ташкент ш., М.Ганди кўчаси, 44 |
| | Умумий йиғилиш кворуми: | 86.35% |

| N | Овозга қўйилган масалалар | Овоз бериш натижаси | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | рози | | рози | | рози | |
| | | % | % | % | % | % | % |
| 1. | «KAPITAL SUG'URTA» АЖ акциядорларнинг умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш | 100 | 3108889309005 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 2. | «KAPITAL SUG'URTA» АЖ нинг 2020-2022 йиллар якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш, аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматлари учун тўловнинг максимал миқдорини аниқлаш тўғрисида. | 100 | 3108889309005 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 3. | «KAPITAL SUG'URTA» АЖ Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш, шунингдек «KAPITAL SUG'URTA» АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида", «KAPITAL SUG'URTA» АЖ Кузатув Кенгаши тўғрисида", "Кузатув Кенгаши, тафтиш комиссияси ва Ижроия органи – «KAPITAL SUG'URTA» АЖ бош директорига ҳақ тўлаш ва харажатларни қоплаш тартиби тўғрисида" низомларни тасдиқлаш тўғрисида. | 100 | 3108889309005 | 0 | 0 | 0 | 0 |

Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорнинг тўлиқ шакли:

| | |
|---|---|
| 1. | «KAPITAL SUG'URTA» АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламенти қуйидаги тартибда ёзилсин:<br>- Акциядорларни рўйхатга олиш «Электрон овоз бериш – eVOTE» электрон рўйхатга олиш йўли билан амалга оширилади 2023 йил 17 апрель соат 09:30 дан 10:00 гача.<br>- «Электрон овоз бериш- eVOTE» платформаси орқали электрон овоз бериш. 2023 йил 17 апрель соат 10:00 дан бошлаб 10:30 гача амалга оширилади. |
| 2. | 2020-2022 йиллар якунлари компаниянинг МСА бўйича ташқи аудитор теширувчиси этиб – АО ООО «Grant Thorton» аудиторлик ташкилоти этиб белгилансин, аудиторлик хизматлари учун тўлов миқдори 500,0 млн.сум. ққс сиз белгилансин. |
| 3. | «KAPITAL SUG'URTA» AJ Уставини янги таҳрирда тасдиқлансин.<br>«KAPITAL SUG'URTA» AJ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида", «KAPITAL SUG'URTA» AJ Кузатув Кенгаши тўғрисида", "Кузатув Кенгаши, тафтиш комиссияси ва Ижроия органи– «KAPITAL SUG'URTA» AJ Бош директорига ҳақ тўлаш ва харажатларни қоплаш тартиби тўғрисида" ги низомлари янги таҳрирда тасдиқлансин. |

кузатув кенгаш аъзоларини сайлаш:

Эмитентнинг кузатув кенгаш, тафтиш комиссия ва ижроия органни аъзоларига ҳисобланган ва тўланган тақдирлаш ёки товон тўланиши:***

| N | Ф.И.Ш. | Эмитентни туркум таркибига кирган аъзоси | Тўлов кўриниш, (тақдирлаш ёки товон тўлаш) | ҳисобланган сумма (сум) | Қайси давр бўйича тўлов | Тўлов кўзда тутилган ҳужжат |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |

Кўзатув кенгаши аъзолари рўйхати:*

Номзодлар тўғрисида маълумот

| N | Ф.И.Ш. | иш жойи, лавозими | | уларга тегишли акциялар | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | иш жойи | лавозими | тури | | |
| | | | | | | |

Уставга киритилаётган ўзгаришлар ва (ёки) қўшимчалар матни**

**9.2. - банд қуйидаги мазмундаги 4 - хат боши қуйдагича тўлдирилсин:**

Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли, бундан кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно.

**10.4. - банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

Кузатув кенгашининг аъзолари қонун ҳужжатларида ва мазкур Уставда назарда тутилган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

**10.15. - қўшимча банд киритилсин:**

| | |
|---|---|
| | Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин.<br>Қуйидаги шахс кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:<br>сўнгги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг афилланган шахсларида ишламаган шаҳс;<br>жамиятнинг акциядорлари ва (ёки) аффилланган шахснинг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;<br>жамиятнинг ва (ёки) аффилланган шаҳснинг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан энг кам иш хаққининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;<br>жамият ва (ёки) унинг афилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бунда кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;<br>жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг афилланган шахсларнинг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), тугишган ва ўгай акаси (укаси) хамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;<br>давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс. |

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.: ____________________ Бурихужаев Хумоюнхон Авазхон угли

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.: ____________________ Мирзаев Абдурахмон Абдурахимович

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.: ____________________ Масудов Жамолиддин Хайриддинович